

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Кўкон” ЭИЗ директори

Ф.Рахмонов



Ф.Рахмонов

2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: Фарғона вилояти, Учқўприк тумани, “Қўқон” ЭИЗ Дирекциясига карашли 60 га ер майдонини топографик съёмка ишларини бажариш.
- 1.2. Танловнинг юкори киймати ККС билан 135 000 000 сум. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул килинмайди ва куриб чикилмайди.
- 1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова килинган.
Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.
- 1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблат ажратилганидан сунг шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс туловини утказиб беради.
- 1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул килингандан сунг авансни пропорционал равишда ушлаб колган холда, бажарилган ишлар учун объектнинг умумий шартномавий кийматининг 70 (етмиш) фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Қўқон” ЭИЗ Дирекцияси ” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили Фарғона вилояти Учқўприк тўмани Қўқонбой қишлоғи “Қўқон” ЭИЗ Дирекцияси.

Эл.адрес: qoqoneiz@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;
- уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувоҳнома;

- Танлов иштирокчиси хакида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий курсаткичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салохияти (жумладан, туловга кодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тугрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солиқ туловларидан булган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги объектга ухшаш объектларда охириги 2 йиллик иш тажрибаси;
- Орттехника жихозлари ва дастурлар руйхати;
- Кафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топишириш муддатини курсатиб тасдиқлаган ҳолда).

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулкни мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби, якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир талаблар буйича уз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун - моҳиятини узгартирмаслиги керак.


7.3. Тақлифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси тақлифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

Комиссия

1. Мирсолиев.С – раиси
2. Муродов.Б
3. Латипов.Р
4. Холиқулов.Б
5. Мирзамахмудов.Р
6. Тожиева.Х



Комиссия котиби:



М. Турғинова